

РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТ ШАРОИТИДА МЕҲНАТ БОЗОРИНИ ИСТИҚБОЛЛИ РИВОЖЛАНТИРИШ ВА САМАРАДОРЛИГИНИ БАҲОЛАШ УСЛУБИЯТИ

Махсуд Махаммадиев

Тошкент молия институти таянч докторанти

Email: maqsud_1158@mail.ru

ORCID: 0000-0001-5991-5174

METHODS OF PERSPECTIVE DEVELOPMENT AND EFFICIENCY ASSESSMENT OF THE LABOR MARKET IN THE DIGITAL ECONOMY

Maxsud Maxammadiev

Tashkent Institute of Finance

Email: maqsud_1158@mail.ru

ORCID: 0000-0001-5991-5174

JEL Classification: E2, E24

Аннотация.

Мақола иқтисодиётни рақамлаштириш шароитида аҳоли бандлиги масалаларига эътибор қаратилган бўлиб, меҳнат бозорининг фаолият юритиши тамойилларининг ўзгариши, рақамли иқтисодиётнинг меҳнат бозорига таъсири, ишчи кучи ва иш ўринларини тақсимлаш механизмлари, рақамлаштириш натижасида меҳнат ва бандлик таркибини ўзгариши, касб ва малакага қўйиладиган талаблар, шунга кўра ушбу мақолада иш билан бандлик хизмати органлари фаолиятининг самарадорлигини баҳолаш усуллари таснифланиб, ҳудудий иш билан бандлик хизмати фаолиятини ҳар томонлама баҳолашнинг ижтимоий-иқтисодий, хусусиятлари бўйича кўрсаткичлар тизими ишлаб чиқилган, ҳозирги вақтда иқтисодиётни рақамлаштириш баҳолаш кўрсаткичлари, меҳнат бозорида ишчилар сонининг йиллик ўсиши кўрсаткичлари, Иқтисодиётнинг ривожланишининг асосий тенденциялари таҳлили, DESIда инсон капиталини ўлчаш параметрлари таҳлили, илгор даража ахборот-коммуникация технологиялари соҳасида мутахассислар бандлиги ва

(Фан, Технология ва Математика) фанлари бўйича битирувчилар кўрсаткичларини, Ахборот ресурсининг ўлчов бирлигини аниқлаш омиллари таклифи, Ахборот сизими ифодасининг формал миқдорий тавсифини ёритиш, ахборот ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини иқтисодий баҳолаш модели, яқин келажакда аҳоли бандлигининг таркибий ўзгариши креатив, рақамли ва виртуал иқтисодиёт, атроф-муҳитни тиклаш, технологик секторда янги пайдо бўлаётган инсонга йўналтирилган хизматлар каби соҳаларда ўсиши прогноз қилиш, рақамли кўникмалар нафақат меҳнат бозорига кириши, балки ҳозирги вақтдаги амалга оширилаётган қайта шакллантириш устунликларидан фойдаланиш учун ҳам катта аҳамиятга эга ҳисобланиши ҳамда, ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг турли йўналишларига рақамли иқтисодиётнинг таъсири баҳолаш назарияси ва методологияси миллий меҳнат бозори билан ўзаро ҳамкорлигини баҳолаш билан узвий боғлиқ, чунки меҳнат бозори рақамли ва ахборот технологияларининг инфратузилмавий ва кадрлар таркибий

қисмларини самарали татбиқ этиши билан бевосита боғлиқлиги очиб берилди ҳамда Ўзбекистондаги меҳнат бозорининг ҳозирги ҳолатини баҳолаш усуллари таҳлил қилинди.

Abstract. The article focuses on employment in the context of digitalization, changes in the principles of the labor market, the impact of the digital economy on the labor market, labor and job distribution mechanisms, changes in the structure of labor and employment as a result of digitalization, occupational and qualification requirements. Methods of assessing the effectiveness of employment services have been classified, a system of indicators for the socio-economic characteristics of the comprehensive assessment of the activities of regional employment services has been developed. analysis, analysis of parameters for measuring human capital at DESI, employment of specialists in the field of advanced information and communication technologies and (Science, Technology and Mathematics) The proposal of factors determining the unit of measurement of information resources, the definition of the formal quantitative description of the expression of information capacity, the model of economic evaluation of information efficiency, the structural changes in employment in the near future creative, digital and virtual economy, environmental recovery, emerging technology sector forecasting growth in areas such as human-centered services, digital skills are important not only for entry into the labor market, but also to take advantage of current restructuring advantages, and the theory and methodology of assessing the impact of the digital economy on various areas of socio-economic development It is inextricably linked with the assessment of the interaction of the labor market, as the direct connection

of digital and information technologies with the effective implementation of infrastructure and human resources components has been revealed. Methods of assessing the current state of the labor market in Uzbekistan were analyzed.

Калим сўзлар: Рақамли иқтисодиёт, ахборот, меҳнат бозори, бандлик, ишсизлик, узлуксиз таълим, ишчи кучига талаб ва таклиф.

Keywords: Digital economy, information, labor market, employment, unemployment, continuing education, labor supply and demand.

Кириш. Ҳозирги кунда глобал иқтисодиётнинг ривожланиш тенденциялари рақамли технологиялар ҳамда платформалар асосида кечмоқда. Шу билан бирга, жаҳон иқтисодиётида дунё меҳнат бозорининг ўзаро боғлиқлигининг кучайиши тенденцияси кузатишмоқда. Миллий меҳнат бозорлари ишлаш механизмлари рақамли иқтисодиётнинг ривожланиш қонуниятларига кўра такомиллаштирилиши лозимлигини инобатга олган ҳолда, халқаро меҳнат ташкилоти ўзининг 2030 йилгача қабул қилган “Барқарор ривожланиш” концепциясида кўрсатилганидек, меҳнат билан банд бўлишнинг янги турларини рақамли платформаларга инвестициялар қиритган ҳолда ривожлантиришни талаб этади. Таъкидлаш жоизки, меҳнат бозорини ривожланишини кўзда тутувчи бундай рақамли – платформаларга қиритиладиган инвестициялар ва улардан олинadиган фойда дунё бўйлаб нотекис тақсимланган: инвестицияларнинг 96 фоизи Осиё, Шимолий Америка ва Европага тўғри келади, даромаднинг 70 фоизи эса фақат икки давлат – АҚШ ва Хитой томонидан ўзлаштирилади.